



Хар бир сўз — хаётдаги муайян бир нарса ёки тушунчани ифодалайди. Демак, кишида сўз бойлиги канчалик кўп бўлса, одам тилни канчалик чуқур билса, унинг ички дунёси шунчалик бой бўлади. Хар бир халк ўзи обод қилган водийлар, ўзи яратган тил бойликлари билан ҳам шунчалик ифтихор қилади. Чунки хар бир тил шахару кишлоқлар каби шу халқнинг бутун тарихи давомида яра-тилади, обод водийлар каби асрлар давомида сайқал олади. «Тилни халқ яратади, — дейди шоир Н. Риленков, — аммо унга сайқал бериб бадиийлаштирувчилар — сўз санъаткорларидир. Адабий тил огзаки халқ тили хисобига уз-луксиз бойиб боради. Бусиз адабий тил ўлик тилга айланади. Ёзувчининг тилга оид диди ва иктидорини унинг китобий нутқ билан жонли нутқ унсурларини канчалик яхши уйғунлаштира олиши белгилайди».

Шу нуқтаи назардан А. Кодирий, С. Айний, Ойбек, Г. Гулом, А. Каххор каби адибларимизнинг асарларига ёндашсак, уларнинг хаммаси ҳам жонли халқ тилини адабий тилга санъаткорона пайванд қилиб ишлатилганларини кўрамиз. Аммо худди шу икки дарёни — жонли халқ тили билан адабий тилни бир-бирига қандай қилиб қўшиш, уларни қандай уйғунлаштириш масаласини хар бир ёзувчи ўз олдига қўйган гоъвий-бадиий вазифадан келиб чиқиб, ўзига хос дид, иктидор, хаётий тажриба иштирокида мустақил хал қилади. Уларнинг бадиий тилларидаги ранг-баранглик шундан келиб чиқади.

«Мехробдан чаён» романида Анвар билан Раънонинг ховлида ёлғиз қолиб, бўлажак тўй хақида сўзлашган пайтлари:

«Раъно Анварнинг каршисига ўтирди. Ўтириши билан кучли шамол юриб, бошидаги рўмолни учирди ва олиб бориб Анварнинг бетига ёпди.

— Ха-ха-ха, шамол сиздан ўчимни олди. Кани гапиринг.

Анвар рўмолни кисимига олди:

— Хозир гапираман. Лекин шартим бор.

...Анвар Раънонинг олачалпок кўланка ичида хаёлий бўлиб кўринган юзига қаради. Унинг хаё ичида олийлик касб этган жоду кўзи Анварнинг хозирги максадига тушунганликни ифода қилар эди».

Биз алоҳида таъкидлаган сўз ва иборалар А. Кодирийга хос бадиий тилнинг характерини кўрсатади. Бошқа ёзувчи бўлса, эҳтимол «кучли шамол эсди» ёки «шамол

кўзгалди», «шамол кўтарилди» деган бўларди. А. Кодирий мол юрди» дейди. Бу ибора хам халк тилида бор. Ёзувчи шамолнинг кандай юрганини Раънонинг бошидан учиб бориб Анварнинг бетини ёпган рўмол оркали кўрсатади. Ёзувчи кўриб, хис килиб турган хаётий ходисани коғозда истаганидай ифода этиши учун шамолнинг кўзгалиши ёки кўтарилиши эмас, мана шу тарзда юришигина керак.

Анвар бетини ёпган рўмолни «кўлига олди» ёки «бетидан олиб бир четга кўйди» дейиш мумкин эди. Аммо ёзувчи Анвардаги хисни бермокчи. Анварнинг бетини кандайдир бир рўмол эмас, севгилисининг рўмоли ёпади. Бошка бир холатда, эхтимол, Анвар бу рўмолни нафис бир гул каби авайлаб олган бўларди. Аммо хозир Анвар хаяжонланиб турган пайт. Мана шуни ёзувчи жуда аниқ, жуда кучли бир сўз билан «кисимига олди» деб ифодалайди. Бу «кўлига олиб кисди, гижимлади» деган маънони билдирмайди.

«Кафтига олди» дейилса хам бўлмас эди. Чунки рўмол кафтда турадиган нарса эмас. Нафис бир хаяжон бу ерда факат «кисимига олди» ибораси билан лўнда ва равшан ифодаланиши мумкин эди.

Тарихий романнинг кахрамони бўлмиш Раънонинг юзи умуман «хаёлий бўлиб кўринади» дейилса китобий бир баён келиб чиқар эди. Аммо шамол юриб турган пайтда, олачалпок кўланка ичида севимли йигити Анварга олийлик касб этиб, хаёлий бўлиб кўринган юз ва кўз ёркин бир реалистик тасвирнинг намунасидир. Бу ерда жонли халк тили унсурлари билан китобий тил унсурлари А. Кодирийнинг талантига, дидига, хаётий тажрибасига, хуллас, унинг услубига мос тушадиган бир тарзда узвий бирлашади.

Энди Гафур Гуломнинг «Ёдгор» кассасини эсланг. Мехрихон исми жувон эски турмуш иллатларига ён бериб, эмизик боласини чапани йигит Жўрага алдамчилик билан топшириб кетади. Болага Ёдгор исмини кўйган хам, уни юз ўлимлардан олиб қолиб, одам килган хам - Жўранинг онаси. Хали уйланмаган ўгли ёш гўдакни кўтариб келганда кампир аввал уни якин кариндошларидан бирининг боласи деб ўйлайди.

«Нинни-ниннигина, неварагинамдан ўргилай, йигламасин, йигламасин, мана хозир бувингиз кўлини артади, дўндиккинамни ўзим багримга босаман». Боланинг онаси келавермагач, кампир Жўрага «тиниб-тинчимайсанда, ўглим, — дейди. — Сенинг болажонлигинг менинг хам тинкамни курутди... Тусингни ел емасин, ўглим, хай сен канака бола чиклинг?» Жўра болани «ўзимники, онаси тугиб ўлди» деб эълон килади. Шунда кам-пир йиглашга тушади. «Етти номусимни ерга букдинг, жувонмарг. Мен сени ким кўрганга мактаб, оркангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам! Кариган чоғимда кенжагинамнинг хотини менга пушти панох, кўл-оёқ бўлармикан деган эдим».

Бу ерда оддий бир онанинг ички дунёси, дили унинг ажойиб тили оркали очилади. Ўгли Жўрани «болажон» деб атаган кампирнинг ўзи болажонликца тенгсиз. Ўглининг кўлида йиглаётган чакалокни юпатмокчи бўлиб айтган гапларига кулок солинг: «Ниннигина, неварагинамдан ўргилай, йигламасин, йигламасин». Хали тили чикмаган бола бу сўзларнинг меҳрга тўла маъносини уларнинг гўзал охангидан сезиб олиши мумкин. Бу сўзларни айтаётган пайтда онанинг юзида, кўзларида гўдакни ўзига ром киладиган канчалик илик туйгулар барк уриб кўринган экан! Ёзувчи буни тасвирлаб берган бўлмаса хам, кампирнинг дилига муносиб сўзлари оркали биз унинг кулиб турган юзини хам, меҳрибон оналик киёфасини хам кўз олдимизга келтира оламиз.

Кейинчалик ёмон бир ходиса юз бергани Жўранинг важохатидан сезила бошлайди. Шунда она аввал с ал жиддийлашади, сўнг ранжиб гапираётгани унинг «тиниб-тинчимайсан-да», «тусингни ел емасин!» деганидан сезилади. Хар бир сўз онанинг тилида гавхардай товланиб жилваланишига эътибор беринг. «Тусингни ел

есин» деган каргиш бор. Бу ерда «ел» сўзи шамолнинг бир турини эмас, касалликнинг бир турини билдиради. Юзини ел еган одам жуда бадбашара бўлади. Шамол маъносидаги ел матонинг рангини ўнгитиб, тусини олиб, хунук килиб қўяди. Эхтимол, «тусингни ел есин» деган каргишнинг мана шундай маъноси ҳам бордир. Нима бўлганда ҳам, Жўра-нинг онаси ўз ўглига бундай ёмон елларни раво кўрмайди. У ўглига «тинмайсан», ёки «тинчимайсан» дейиши мумкин эди. Бирок бу сўзлар алохида-алохида айтилганда она истаган нозик маънони бера олмас эди. «Тиниб-тинчимайсан-да» деган ибрада эса оналарга эркалатиб уришиш оханги бор. Бу икки сўз мана шу тарзда бир-бирига қўшилганда бир-бирига зарбланиб, таъсир кучи гўё тўрт баробар ошгандай туюлади. Кўнгилсиз бир ходиса юз бер- ганлиги, хали уйланмаган йигит бирдан онасиз гўдакка ота бўлиб колганлиги кампирни жуда эзади. Баджахлоқ аёл бўлса, Жўрани нотаниш гўдак билан бирга кувиб юбориши ёки ўзи аразлаб бошка ўглини кетиб колиши мумкин эди. Бирок бу ерда тасвирланаётган аёл меҳрибон бир она. Рўй берган кўнгилсизлик уни ҳам кийнайди. «Етги номусимни ерга букдинг-ку» деган сўзлар айтилганда биз онанинг канчалик каттик огринаётганини сезамиз. «Номусга колдирдинг» деган иборага нисбатан «етти ному-симни ерга букдинг» деган ибора канчалик сермазмун бўлса, меҳрибон онадаги изтироб ҳам баъзи бир лўлироқ аёлларнинг ор-номус хақидаги дод-войларига нисбатан шунчалик кучли. Она ўглини ҳамма жойда мактаб юрган. Буни энди ўзига хос килиб, «мен сени ким кўрганга мак-таб юрсам!» дейди. «Ким кўрганга» деган киска ибора «каерда кимни кўрсам ўшанга» деган маънони билдиради. «Оркангдан кўрпача солдириб юрган бўлсам» дегани «соясига кўрпача солдиради» деган маколга якин. Бу маколда лаганбардорларга карши каратилган истехзо бор. Кампирнинг сўзлари ҳам истехзодан холи эмас. Факат бунинг маколдан фаркланадиган маъноси шуки, кампир ҳаммага ўглини мактаб, унинг яхшилигига одамларни ишонтирган, шунинг учун баъзилар оркаворатдан Жўрами хурмат килиб, унга «кўрпача тўшаб» юрган, яъни кариндошларидан бири унга кизини берадиган бўлган. Кампир эса бўлажак келинга умид боглаб, «кариганимда пушти панох, қўл-оёқ бўлармикан» деб ўйлаган. Мана энди бу хаммаси пучга чикди. Жўранинг аммаси кизини бермайдиган бўлади:

«Бо, худо кўтарсин унака йигитни, ким кўрган билан юриб, бола кўтариб келадиган бебошбокка берадиган кизим йўк. Менинг кизим хали очилмаган гул, мохпора». Бу ерда оналарнинг бошка бир тоифаси гапиряпти. «Бо, худо кўтарсин» деган жумланинг ўзиёқ димогдор бир аёлни кўзимизга кўрсатади. Ёзувчи бу аёлга киноя кўзи билан караётгани, «менинг кизим очилмаган гул, мохпора» деган сўзларда сезилади. Сўнгги сўзларни Жўранинг аммаси айтган. Аммо Жўра бу сўзларни мактанчок, чиранчик бир аёл айтганини сезиб туради ва ўз хикоясида буни китобхонга ҳам сездирди. Хусусан, «мохпора» сўзининг ургу билан айтилиши кулгили. Эхтимол, Жўранинг аммаси бу сўзга «очилмаган гул»дан ҳам зўрроқ бир маъно бераётгандир-у, «мохпора»нинг асл маъноси нималигини билмас. Форс-тожик тилларида ойни «мох» дейдилар. «Пора» дегани «бир бурда», «бир бўлак» деган маънони билдиради. Демак, «мохпора» дегани «ойнинг бир парчаси», «ойнинг бир бурдаси» дегани бўлади. Ой ўзи гўзал бўлганда ҳам, унинг бир парчаси, бир бурдаси ортик даражадаги мактовга сазовор эмас. Шунинг учун ўзбекчада тўғридан-тўғри «ойдай киз» дейилади. Агар мактовни яна бир даражада ошириш керак бўлса «ой деса ой, кун деса кун» деб таърифланади. Бу билан биз «мохпора» сўзини камситмокчи эмасмиз. Тилимизда бу сўзнинг ҳам ўзига муносиб ўрни бор, хизмати бор. Факат Жўранинг аммаси бу сўзни маъносига тушунмасдан

ишлатаётганини, «мохпора»нинг маъносини яхши биладиган ёзувчи эса унинг мактанчоклигини кулги килаётганини айтмоқчимиз, холос.

Ёзма адабиётимиз асрлар давомида истеъмолга киритган сўз бойликлари реалистик характерлар оркали янги адабий тилимизга кириб, хилма-хил вазифаларни бажаради. Масалан, биз баъзан бош бармоқдан кейингисини русча «указательный палец»га ўхшатиб «кўрсаткич бармоқ» деймиз. Холбуки, ёзма адабиёт оркали кирган «шаходат бармоқ» ибораси янги адабий тилимизда ҳам ишлатилиб келади. Г. Гулом ёзган «Шум бола» киссасининг бош қахрамони каландарларга кўшилгандан кейин эшон учраб қолади:

«Шаходат бармоқлари» билан ўз олдиларига имладилар. Тавозе билан олдиларига бордим. «Муборак кўллари билан пешонамдан силаб:

— Бой, бой бўтам, жуда «худо назар килган бачча экансан, осмонга кара ўғлим! — дедилар.

Шунда беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннат кўрибман»¹.

Бу ерда ёзувчи хаст эшоннинг «мўъжиза»ларини хажвий кулги билан кўрсатяпти. Эски диний китобларда илохий одамлар беш панжаларининг орасидан етмиш битта жаннатни кўрсата олишлари жиддий охангда хикоя қилинади. Г. Гулом эса бу ерда ўша охангни масхара қилади. Эшоннинг хажвий характерини очишга хизмат қилган «тавозе», «муборак кўллар», «худо назар килган бачча» каби сўз ва иборалар адабий тилга кириб, янги мазмунни очишга билвосита хизмат қилади.

С. Айнийнинг «Куллар» романидаги кул савдоси сахнасида содда бир харидор кулбаччага хуштор бўлиб: «Умед билан келдим, бозордан курук қайтмай дейман, бунга 50 тилло берай, келинг, хай денг энди», дейди. Романнинг 1935 йилги бу нашрини С.

Айнийнинг ўзи ўзбекча ёзган. «Умид» сўзининг тожикчага якин қилиб «Умед» шаклида айтилиши, «хўп денг» ўрнига «хай денг» ибораси ишлатилиши бухоролик кишининг ўзига хос сўзлаш услуби борлигини кўрсатади. Кул бозорида юрган Абдурахмон бой етти ёшлик маъсум кулга кизикиб қарайди. Бойнинг кетидан қолмай юрган даллол:

« — Келинг, бой ака, шу болани олинг, деб жиддийроқ далолат қила бошлади».

Бу ердаги «далолат қила бошлади» ибораси мумтоз адабий тил анъаналаридан фойдаланишнинг характерли мисоли бўла олади. Биз «даллол» ва «далил» (исбот) сўзларини яхши биламиз. Жонли тилда «далолат қилди» эмас, «даллоллик қилди» дейилади. Аммо «даллоллик қилиш» бутун бир касбни умумий тарзда ифода қилади.

С. Айний тасвиридаги «далолат қилиш» эса сотилаётган кулнинг фойдасига далил кўрсатиш, уни харидорга танитиш, реклама қилиш каби конкрет маъноларни билдиради. Араб тилини яхши биладиган кекса зиёлилар бу тилда мавжуд бўлган имкониятлардан ҳам жуда яхши фойдаланганларки, бу — классик адабий тилимизда гоят тараккий этган бир анъана эди.

«Сароб» романида Саидий Аббосхон деган адабиётшуносни ўзича шундай баҳолайди: «Ижод» тилсимининг сирлари шу Аббосхонгагина маълум... У қобилият тўғрисида «заршунос» бўлиб, ҳар қимга ўз иктидорига қараб шу сирлардан озроқ айтади. Мумтоз шоирларнинг мумтозлик сирларини ҳам шу одам оркали билиш мумкин».

«Иктидор», «мумтоз шоир» каби сўз ва иборалар ҳозирги адабий тилимизда кам учрайди. Аммо буларни эскирган китобий сўзлар деб аташ ҳам тўғри эмас. Чунки А. Қаххор йигирманчи йиллардаги ижодий зиёлилар мухитини шу сўзларнинг иштирокисиз тасвирлай олмас эди. Айрим нозик фикрлар ёки туйгуларни алоҳида товланишларигача аниқ очиб бериш учун бундай сўз ва иборалардан ҳозир ҳам фойдаланиш мумкин. Хамма

гап бундай сўз ва ибораларни ўз ўрнида махорат билан ишлатишда.

Ойбек ўзининг «Навоий» романини Хирот тасвиридан бошлайди:

«Бахор кўёши кўкнинг тиник ферузасида, «Гавхаршод» мадрасасининг хайбатли гумбази устида порлар, азамат пештоқларнинг накшлари шуълаларда жонли, хавоий бир чаманзор каби турли-туман олов ранглар чакнатар, кабутарлар дам учиб, дам сирпаниб кўниб, гумбаз теварагида кувонч билан инок ўйнашар эди».

Ёркин бир манзарани кўз олдимизда гавдалантирувчи бу гўзал тасвир ўзбек тилининг энг яхши классик ва замонавий анъаналарини бир-бирига санъаткорона пайванд қилиш натижасида майдонга келади. «Бахор кўёши», «азамат пештоқ», «олов ранглар», каптарларнинг сирпа-ниб ўйнаши — ҳаммаси замонавий тилимизга хос иборалар. Шу билан бирга осмонни «кўкнинг тиник ферузаси» дейилиши, гумбаз накшларининг хавоий бир чаманзорга киёс қилиниши жумлага тарихий ранг беради, айна чокца, классик поэзиямизнинг руҳини ҳам романига олиб қиради. «Феруза», «хавоий» деган қадимий сўзлар бошқа бир жойда учраса кўп ишлатилиб, сийкаси сиккан сўзлар бўлиб туюлиши мумкин эди. Аммо санъаткор ёзувчи ўзининг қалб харорати билан бу сўзларни гўё янгилаб, ёшартириб юборади, улар гўзал бадиий тасвир таркибига киргандан кейин китобхонга янгича завқ беради, унинг дилини бойитади.

Келтирилган барча мисоллардан кўриниб турибдики, ажойиб ўзбек адиблари маълум бир даврни, маълум бир инсоний, миллий, ижтимоий муҳитни, маълум қахрамонларни ҳаққоний тасвирлаш йўли билан адабий тилимизга жуда кўп сўз бойликларини олиб қирдилар, бу тил бойиклари билан китобхонларнинг дилларини бойитди.

Пиримкул Кодиров, 1972